

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши ўртасида ёшлар масалалари соҳасида ўзаро
ҳамкорлик тўғрисидаги**

МЕМОРАНДУМ

Ушбу меморандум Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши (келгусида Томонлар деб аталувчилар) ўртасида ёшлар масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорликнинг мазмуни, йўналишлари ва тартибини белгилаб беради.

1-модда. Ҳамкорлик мақсади

Томонлар мазкур Меморандум қоидалари ҳамда ўзларининг ваколатлари доирасида:

- мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида ёшларнинг иштирокини янада фаоллаштириш;
- ёш авлод вакиллари қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш;
- ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, билимлари ва масъулиятини мунтазам ошириб бориш;
- жойларда, айниқса чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга оширадилар.

2-модда. Ҳамкорлик йўналишлари

Томонлар ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида ўзаро ҳамкорликни қуйидаги йўналишларда олиб борадилар:

а) ёшлар, айниқса уюшмаган ёшлар билан уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўядилар.

Айни шу мақсадда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, шунингдек қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича долзарб масалалар юзасидан очиқ мулоқотлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этадилар ҳамда ўтказадилар;

б) ёшларни суд тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида суд биноларида туркум учрашувларни ташкил этадилар.

Бу мақсадда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашга қаратилган суд идораларида "очиқ эшиклар куни"ни ташкил этадилар;

в) ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлардан бохабар этиш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида суд биноларида ўтказиладиган очиқ суд мажлислари жараёнларида иштирокини таъминлайдилар;

г) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширадилар, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон

бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича чоратадбирларнинг самарадорлигини оширадилар;

д) қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий усул ва шакллари ўзида ифода этган таклифлар тайёрлайдилар;

е) ёшлар тарбияси билан бевосита боғлиқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сайёр суд мажлисларида ёшлар, айниқса уюшмаган ёшларнинг иштирокини таъминлайдилар;

ж) ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноят ишлари бўйича суд томонидан жазо тайинлашда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий Кенгашларининг кафолат хатига асосан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини тайинлаш механизмини жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлаб борадилар;

з) махсус телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари, жамоатчилик иштирокида жойларда ёшлар томонидан содир этилган жиноятчилик аҳволи, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини муҳокама қиладилар;

и) “Yoshlar” телерадиоканали “Менинг юртим” телеканали ва бошқа телерадиоканаллар орқали ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича, шу жумладан Интернет тармоғида мақолалар, шарҳлар ва бошқа материаллар чоп этилишини ташкил этадилар;

й) ёшларга оид қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамкорликда ишлаб чиқадиладар;

к) жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, шу жумладан муддатидан илгари шартли озод этилган ҳамда суд залидан озод этилган ёшлар, шунингдек ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар бўйича статистик маълумотлар алмашадиладар;

л) чекка ва олис туман, қишлоқларда истиқомат қиладиган ёшлар, хусусан уларнинг уюшмаган қисми билан ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга оширадилар, шунингдек уларга ҳуқуқий кўмак берадилар;

м) мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасидаги имтиёз ва преференцияларни ёшларга етказиш, ёшлар онгида тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш орқали жалб қилиш, ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида турли ўқув-семинар машғулотларини ташкил этадилар;

н) ёшлар ўртасида эрта никоҳга киришиш, ёш оилаларнинг ажралишларини олдини олиш, ёшлар орасида мулкрий тусдаги (қарз, кредит, ижара) ва бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан вужудга келадиган низоларни олдини олиш бўйича тадбирларни амалга оширадилар.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

3.1. Вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьяларининг ёшлар ўртасида ўтказиладиган очик мулоқотлар, учрашувларда иштирокини таъминлайди.

3.2. Вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судлари биноларида ёшлар билан туркум учрашувларни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади.

3.3. Вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан ёшлар масалаларига оид ва улар иштирокидаги сайёр суд мажлислари, суд мажлисининг куни, вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий Кенгашларига юборилишини таъминлайди.

3.4. Жиноят ишлари бўйича вилоят ва туман (шаҳар) судлари томонидан ёшларга (ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар) оид жиноят ишлари бўйича, суд томонидан тайинланган жазонинг оғирроқ тури (ЖКнинг 44, 46, 47¹ - моддалари) билан алмаштириш билан боғлиқ ишлар ҳақида суд муҳокамаси қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий Кенгашига хабар беришларини ташкиллаштиради.

3.5. Жиноят ишлари бўйича вилоят ва туман (шаҳар) судлари томонидан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ва жазоси енгилроғи билан алмаштирилган ёшлар бўйича тегишли маълумотларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий Кенгашига тақдим этишни ташкиллаштиради.

3.6. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларга оид кўрилаётган жиноят ишлари бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида айрим қонун ҳужжатлари ва Олий суд Пленуми қарорларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқади.

3.7. Ушбу Меморандум ижроси юзасидан ўтказилган тадбирларни "Куч-адолатда" газетаси ва Олий суднинг расмий веб-сайтида ёритилишини таъминлайди.

4-модда. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши:

4.1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Марказий Кенгаши қошида ушбу Меморандумда белгиланган тадбирларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириб бориш бўйича Республика ишчи гуруҳи фаолиятини йўлга қўяди ва тадбирларни юқори савияда ташкил этади.

4.2. Мазкур Меморандумнинг 2-моддасида назарда тутилган барча тадбирларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий Кенгашлари томонидан ўқув муассасаларида таълим олаётган ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бораётган ёшлар, шунингдек, уюлмаган ёшларнинг иштирокини таъминлайди.

4.3. Жиноят иши судда кўриладиган ёшларнинг шахсини, оилавий шароитини, маънавий муҳитини ўрганиб чиқиш ҳамда ушбу шахсга кафолат хати бериш тартибини белгиловчи намунавий қоидаларни ишлаб чиқади.

4.4. Манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ёшларга жазо тайинлашда кафолат хатининг намунавий шаклини ишлаб чиқади. Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий Кенгашлари томонидан судга тақдим этиш мақсадида кафилликка олинувчи шахсни янги жиноят содир этишининг олдини олиш, уни соғлом муҳитга қайтариш, ўқиш ёки касбга йўналтириш борасида аниқ ва мақсадли индивидуал дастурлар лойиҳасини ишлаб чиқишини ташкиллаштиради.

4.5. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, билим ва масъулиятини ошириб бориш, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган ёшларни хулқ-атвори устидан мунтазам назоратни ташкил этиш, бу борада суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан яқин ҳамкорликда таҳлилни олиб боради.

4.6. Ўтказилган тадбирлар бўйича Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг расмий веб-сайтида ва унинг муассислигидаги нашрларда алоҳида рукн ташкил этади. Мазкур рукн орқали тадбирларни мунтазам ёритиб боради.

5-модда. Ахборотларни ошкор қилмаслик

5.1. Мазкур Меморандум ёки унга мувофиқ тузилган бошқа келишувларнинг бажарилиши жараёнида ҳар бир Томон бошқа Томонга тақдим этган ёки ундан қабул қилган ҳужжат, конфиденциал характердаги ахборотларни ёки бошқа маълумотларни ошкор қилмаслик мажбуриятини оладилар.

5.2. Мазкур Меморандум ўз кучини йўқотишидан қатъий назар, Томонлар мазкур модда қоидалари амалда бўлиши тўғрисида келишиб олдилар.

6-модда. Маслаҳатлашув

Томонлар Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

7-модда. Ҳамкорликнинг амалга оширилиши

7.1. Ҳудудларда 10 кун муддатда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий Кенгашлари қошида ушбу Меморандумни имзоловчи томонларнинг қўйи тизимлари масъул ходимларидан иборат мувофиқлаштирувчи ҳудудий Ишчи гуруҳлари тузилади.

7.2. Ҳудудий Ишчи гуруҳлар томонидан ушбу Меморандумнинг 2-моддасида белгиланган тадбирларни жойларда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида манзилли режалар ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

7.3. Тасдиқланган манзилли режалар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига тақдим этилиб, самарали ижро этилиши таъминланади.

7.4. Тадбирлар оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади.

8-модда. Ўзгартиш ва қўшимчалар

8.1. Ҳар бир Томон мазкур Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартиш ёки қўшимча киритишни ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

8.2. Томонлар ўзаро келишган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда ушбу Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Томонлар белгилаган кундан бошлаб кучга кирадиган қўшимча келишув шаклида расмийлаштирилади.

8.3. Ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар уларнинг кучга киргунига қадар мазкур Меморандумдан келиб чиққан ёки унга асосланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

9-модда. Низоларни ҳал қилиш

Мазкур Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан дўстона равишда ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

10-модда. Меморандумнинг кучга кириши, амал қилиши ва ўз кучини йўқотиши

10.1. Мазкур Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш (5) йил муддат давомида амал қилади.

10.2. Томонлар ўртасида бошқа келишув бўлмаган тақдирда, бу муддат ўз-ўзидан кейинги беш (5) йиллик муддатга узаяди.

10.3. Мазкур модда қоидаларидан қатъий назар, Томонларнинг ҳар бири бошқа Томонни мазкур Меморандум амал қилишини тугатиш нияти борлиги тўғрисида истаган вақтда, бу ниятни амалга ошириш санасидан камида бир (1) ой илгари ёзма равишда хабардор қилиб, унинг амал қилишини тугатиши мумкин.

10.4. Мазкур Меморандумнинг тугатилиши, унинг тугатилиши санасидан аввалроқ келиб чиққан ёки унга асосланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

Тошкент шаҳрида 2017 йил 5 декабрь куни икки (2) асл нусхада давлат тилида тузилди. Меморандум имзоланган кундан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
К.Камилов

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши раиси
Қ.Қуранбаев

Тошкент, 2017 йил “5” декабрь